

Пудратшартномаси №3

Урганч туман

«14» июн 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Урганч туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида ишқурувчи буюртмачи Б.Нурметовбир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Дўрман грант қурилиш” хусусий корхонаси Номидан низом асосида иш қурувчи Ф.Эгамбергенов иккинчи томондан Урганч туман Янги Ўрта боғ маҳалласи Тинч остна 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0.448км) ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нарҳини булиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига Урганч туман Янги Ўрта боғ маҳалласи Тинч остна 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0.448км) смета лойихада қузда тутилган объектни қуриш буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома буйича ишлар қиймати

3.Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси(тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг билан

тасдиқланган ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни (ҚҚС) ни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 290 000 000 (Икки юз тўқсон миллион) сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно :

курилиш кийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч(форс-мажор)ҳолатлари сабаб булганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
объектнинг курилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1 - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда, ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш, бунда объект нархининг камида 20% миқдоридаги ишларни уз кучлари билан бажариши шарт;

курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида ҳабардор қилиш;

курилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш

материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш; курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 - иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

9. Шартнома: миллий валюта "Сум"да узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сумда" узаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан утказилгандан кейин қучга қиради.

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс беради ташкилотнинг молиялаштириш жадвали бўйича тўғридан-тўғри пудратчининг ҳисоб рақамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказиши, бу 87 000 000 (Саксон етти миллион) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериши ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул қилингандан кейин, берилган аванснинг ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб ушбу кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар қилиниши ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

18. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга ошириши шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

21. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари

билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

22. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

23. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

24. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қилидилар.

25. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

26. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

27. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

28. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қилишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Қафолатлар

30. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини, узи томонидан курилиш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектлардан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

31.Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

XIII.Шартномани бекор қилиш

32.Буюртмачи:

шартнома кучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қу вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қувайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қунон ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33.Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қунон ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34.Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

35.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қуидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

37.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуилмайди, қунон ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

38.Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қулайди:

Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси қунида, бошқа қунон ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликка тортилади.

39.Мазкур шартномага тегишли иловаларда қурсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир қунон учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдориди пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қурсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қулашдан озод қилмайди.

40.Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

41.Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,05 фоиз миқдорида пеня тулайди,бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз

бажарилган ишлар кийматининг 0,05 фоизи миқдорида пеня тулайди,бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

42.Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда,мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида,шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

43.Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби

44.Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан куриб чикилади.

XVI. Алохида шартлар

45.Мазкур шартнома имзолангандан кейин,мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

46.Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзоланиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача кадар амал килади.

47.Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

49.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 3 нусхада тузилди.

XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

50 Ушбу шартноманинг хар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши хақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал килишини кафолатлайди.


51 Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошка вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида харакат қилиб, Таъминотчи корхонанинг хамда Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш матсбуриятини олади.

ХVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ


ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

“Дўрман грант қурилиш” х/к	Урганч тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Урганч тумани Мергановул маҳалласи Ватанпарвар кўчаси 52-уй	Манзили: Урганч тумани
Тел: 97-528-32-32	Тел/факс: +998-97-510-55-88
х/р: 20208000505042184001	ш/х: 401722860332177065200110005
ИНН: 306186040	ИНН: 206947891
МФО: 00570	Молия вазирлиги Газначилиги
Микрокредит банк Каровул филиали	Ғазна х/в :23402000300100001010
	Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий БанкХККМ
	МФО: 00014ИНН: 201122919

М.Ў.  Ф.Эгамбергенов
(Имзо)

М.Ў.  Б.Нурметов
(Имзо)



Хуқуқшунос:
(Имзо)



Урганч туманидаги Янги Ўрта боғ маҳалласи Тинч остона 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,448км) объекти бўйича
2022 йил ойлар давомида ишларни бажариш

Ж А Д В А Л И

(минг.сўмда)

Т/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирилган маблағ	2022 йил бўйича қурилиш қиймати													
			1 - чорак			2 - чорак			3 - чорак			4 - чорак				
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Урганч туманидаги Янги Ўрта боғ маҳалласи Тинч остона 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,448км)	290 000,0							290 000,0							
	ЖАМИ	290 000,0							290 000,0							



Урганч туманидаги Янги Ўрта боғ маҳалласи Тинч остона 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,448км) объекти бўйича
2022 йил ойлари давомида молиялаштириш

Ж А Д В А Л И

(минг.сўмда)

Т/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирилган маблағ	2022 йил бўйича қурилиш қиймати													
			1 - чорак			2 - чорак			3 - чорак			4 - чорак				
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Урганч туманидаги Янги Ўрта боғ маҳалласи Тинч остона 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,448км)	290 000,0							87 000,0							
	ЖАМИ	290 000,0							203 000,0							
	ЖАМИ	290 000,0							290 000,0							



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

“Do‘rman grant qurilish” xususiy korxonasi bilan Urganch tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida 14.06.2022-yilda 3-sonli “Pudrat” to‘g‘risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot:

Urganch tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 14.06.2022-yil kuni dasturga kiritilgan. Hujjat raqami VO54463440,

4. Mazkur loyha O‘zbekiston Respublikasi 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonun va O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining talablariga javob beradi. Loyihada o‘zaro hisob-kitob qilish tomonlarning ma‘suliyati, javobgarligi hamda nizolarning hal qilish tartibi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Urganch tuman yuridik xizmat ko‘rsatish
markazi bosh yuriskonsulti



B.R.Yusupov

14.06.2022-yil.



ТИТУЛНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Урганч туманидаги Янги Ўрта боғ махалласи Тинч остона 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,448км)	
2. Отрасали		
3. Инвестор		
4. Заказчик	Урганч туман "Ободонлаштириш бошкармаси"	
5. Разработчики :		
5.1 ТЭО	"Хоразм йўл кўприк қурилиш" МЧЖ	
5.2 ПСД и/ или ТД		
5.3. Экспертизы		
6. Генеральный подрядчик	«Дўрман грант қурилиш» ХК	
7. Источник финансирования	Местный бюджет	
8. Срок начала и окончания строительства	2022 г	
9. Основные показатели стройки :	Всего	2022 г
Мощность (в соответст. Единицах измерения)	объект	0,448км
Основные фонды	298 500,000	298 500,000
Капитальные вложения	298 500,000	298 500,000
Строительно - монтажные работы	290 000,000	290 000,000
Оборудование и инвентарь		
Прочие работы и услуги	8 500,000	8 500,000
Содержание службы заказчика		
Прогноз на 2021 год в соответствии с согласованным с Э и МФ адресным списком	В договорных ценах (тыс.сум)	
Мощность (в соответст. Единицах измерения)	объект	
Основные фонды	298 500,000	298 500,000
Капитальные вложения	298 500,000	298 500,000
Строительно - монтажные работы	290 000,000	290 000,000
Оборудование и инвентарь		0,000
Прочие работы и услуги	8 500,000	8 500,000
Содержание службы заказчика		0,0

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2021 год (в текущих ценах, тыс.сум)

	Всего на год	В том числе по кварталам:			
		I	II	III	IV
Ввод мощности	объект	объект			
Основные фонды	298 500,000	298 500,000			
Капитальные вложения	298 500,000	298 500,000			
Строительно - монтажные работы	290 000,000	290 000,000			
Оборудование и инвентарь	0,000	0,000			
Прочие работы и услуги	8 500,000	8 500,000			
Содержание службы заказчика	0	0,000			



Ф. Эгамбергенов



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
 Урганч туман ҳокими
 " _____ " _____ 2022 йил
 Ф. Шарипов



"КЕЛИШИЛДИ"
 Урганч туман молия бўлими муддари
 " _____ " _____ 2022 йил
 Р. Собиров

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарори ижроси юзасдан Хоразм вилояти Урганч тумани бўйича 2022 йилда Ободонлаштириш бошқармасининг тумандаги ички йўлларни жорий таъмирлаш бўйича **ЯКУНИЙ МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

№	т/р	Таъмирлаш надиған объект қуввати (кв. м)	Таъмирлаш ишларининг бошланиши ва тугаланиши вақти	Пудрат шартномаси тузилиши вақти таъмирловнинг умумий қиймати (миңг сўм)	Таъмирлашнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ қиймати (миңг сўм)	2022 йил капитал қуйшмалар ҳажми (миңг сўм)				Ишга тушириладиган ассотай воситалар (миңг сўм)	2022 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ қиймати	Лойиха экспертизадан ўтказилган вақти ва тартиб рақами	Танлов савдолар ўтказилган вақти, танлов натижаларига қараб танлов рақами	Пудратчи таъмирлов номи			
						Шу жумладан		Жами	лоийха						лоийха	экспертиза	
						Жами	КМИ (СМР)										Жаҳозлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
Урганч тумани																	
1	1	Урганч туман Янги Ўрға бог маҳалласи Тинч остона 4-йўлак кўчасини ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,448 км)	0,448	2022 й	299631,1		298500,0	290000,0		8500,0	8500,0				16.05.2022 й №42125	10.06.2022 й №98071	"Дўрман грант қурилиш" х/к
2	2	Урганч туман Янги Обод маҳалласи Тафаккур 4-йўлак кўчасини ички йўлини жорий таъмирлаш (0,425 км)	0,425	2022 й	297137,2		297137,2	288637		8500,0	8500,0				16.05.2022 й №42123		ТАНЛОВ
		Жами:			596768,3		596768,3	578637,2		17000,0	17000,0						

Урганч туман ҳокимининг ўринбосари
 " _____ " _____ 2022 йил
 А. Хажиев



Урганч туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи
 " _____ " _____ 2022 йил
 Б. Нурметов